Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 21 декабрь, Шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 97 (6794)

Даъват

Инсон ҳур ва озод туғилади ва шундай яшаши лозим.

Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошида тил ўрганиш маркази очилди. Мазкур маскан видеомагнитофон тасвир техникаси ва бошқа зарурий жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда ҳозирча 160 нафар ўқитувчи тил ўрганаяпти.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 декабрь куни республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқболи, истиқлоли ва равнақи миллий онг ва тафаккурнинг шаклланиши, халқимиз ғурури ва имон-эътиқодининг қай даражада мустаҳкамлигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини таъкидлади. Президент жамиятда бозор иқтисодиёти муносабати шаклланаётган айни шароитда маънавиятни мустаҳкамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлигини ва бунда матбуотнинг ўрни алоҳида эканини қайд этди.

Матбуотни демократлаштириш ҳақида сўзлар экан, Президент оммавий ахборот воситаларида холис танқидга алоҳида эътибор берилиши, барча, айниқса, раҳбар шахслар ўзларининг танқидга бардошли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Инсон ҳур ва озод туғилади ва шундай яшаши лозим, — деди Ислом Каримов. — Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тула қайта уйғонган тақдирдагина бу қариятлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади.

Суҳбат чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Ҳуррият» номли янги газетасини нашр этиш, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Уткир Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва Президент девони қошидаги Ахборот маркази раҳбари Абдусаид Кўчимов иштирок этди.

(ЎзА).

*Ҳаётда шундай фидойи инсонлар борки, улар ҳақида жўшиб, ёниб гапирмаслик асло мумкин эмас. Пойтахтимиздаги 41-ўрта мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси дилбар ва нозокатли аёл Маҳбуба Юнусова ўзида ана шу инсонни хислатларни тўлиқ-рўйхат мужассамлаштира олган ғайжрибали муаллималардан бири ҳисобланади. Маҳбуба опа қариб 30 йилдан буён ўғил-қизларга тарих фанидан сабоқ бериб келмоқда. У қишининг ташаббуси билан

ИЛҒОРЛАР ИМКОН, ҚОЛОҚЛАР БАҲОНА ИЗЛАШГАН

(Давоми.Боши 1-бетда)

ланишга топшириш йиллик режага нисбатан Бухоро вилояти (ВХТБ бошлиғи Санча Баҳронова)да 169 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси (Қароқалпоғистон халқ таълими вазири Тотлимурот Отамуротов) ва Хоразм вилояти (ВХТБ бошлиғи Мадрим Жуманиёзов)да 109 фоиз, Самарқанд вилояти (ВТХБ бошлиғи Анвар Бекмуродов)да 101 фоизга адо этилиб, яхши кўрсаткичларга эришилган. Қарор дастурига киритилган мактаб бинолари қурилиши кўп жойларда жадал суръатлар билан давом эттирилаяпти. Қурилаётган биноларнинг асосий қисмида пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, декабрь ойи охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

— Мактаблар қурилишида қолоқликка йўл қўяётган вилоятлар ҳам борми?

— Афсуски, бор. Ун бир ойлик натижаларга кўра, йиллик режа Андижон вилояти (ВХТБ бошлиғи Жўрабой Халилов) ва Сирдарё вилояти (ВХТБ бошлиғи Светлана Ғуломова)да 33 фоизга, Сурхондарё вилоятида (ВХТБ бошлиғи Рашид Турсунов) 41 фоизга, Қашқадарё вилояти (ВХТБ бошлиғи Раҳматулла Мусурмонов)да 44 фоизга, Навоий вилояти (ВХТБ бошлиғи Абдуғани Саъдинов)да 52 фоизга бажарилган. Ваҳоланки, мазкур йилнинг шу кунига қадар Қашқадарё вилоятида 26168 ўқувчига мўлжалланган 107 та, Андижон вилоятида 22580 ўқувчига мўлжалланган 71 та, Навоий вилоятида 6830 ўқувчига мўлжалланган 15 та, Сирдарё вилоятида 2288 ўқувчига мўлжалланган 7 та авария ҳолатидаги мактаблар мавжуд. Агар қурилиш ишлари шу зайлда кетадиган бўлса, мазкур вилоятларда аҳволни ўнглаш анча қийин бўлади. Гап шундаки, Сирдарё вилояти Гулистон тумани Боёвут жамоа хўжалигидаги 192 ўринли ва шу тумандаги Ҳамид Олимжон номидаги жамоа хўжалигида 192 ўринли мактаб бинолари қурилиши республика бюджети ҳисобига режалаштирилган бўлса-да, вилоят ҳокимлиги томонидан маблағ ажратилмаганлиги туфайли ишлар тўхтатиб қўйилган.

Шароф Рашидов тумани Т. Малик номидаги жамоа хўжалигидаги, Ховос тумани Оқчангил қишлоғидаги, Боёвут тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидаги янги мактаб бинолари қурилиши шу қадар суст кетаяптики, пировардида ушбу мактабларда қурилиш ишлари йил охиригача ниҳоясига етказилмай қолиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўз вақтида маблағ билан таъминланмаганлиги сабабли, Жиззах тумани Шароф Рашидов номидаги жамоа уюшмасидаги ва вилоят ҳокимияти томонидан маблағ ажратилмаганлиги сабабли Зарбдор тумани Кериз қишлоғидаги янги мактаб бинолари қурилиши тўхтаб қолган. Худди шу аҳволни Қашқадарё вилоятида ҳам кўриш мумкин. Касби тумани Қатоғон қишлоғидаги мактаб учун янги бино қурилишида ҳали иш бошланмаган. Нишон тумани Чўли Бегимқулов номидаги давлат хўжалигидаги мактаб қурилишида пудратчи ҳокимият томонидан маблағ ажратилмаганлиги боис иш тўхтатиб қўйилган. Шаҳрисабз тумани Рудакий номидаги мактаб қурилишида ҳам ишлар жуда суст кетмоқда.

Андижон вилояти Хўжаобод тумани Ордай қишлоғидаги 6-мактаб учун янги бино қурилиши вилоят ҳокимлиги хусусийлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мўлжалланган, мактаб қурилишига 8,4 миллион сум ажратилиши режалаштирилган ҳолда 0,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган, холос. Қўрғонтепа тумани Савай давлат хўжалигидаги 45-мактаб учун янги бино қурилишига Республика бюджетидан 12,4 миллион сум ажратилгани ҳолда буюртмачи—Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан шу вақтга қадар 3,8 миллион сўмлик иш бажарилган. Олтинкўл тумани Қуйганёр қишлоғидаги 47-мактаб, Булоқбоши туманидаги 24-мактабларда қурилишлар «туя гўшти еб» ётибди.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 27-мактаб қурилишида, Шеробод тумани У. Туропов номидаги жамоа хўжалигидаги мактаб учун қурилаётган янги биноларда ҳам шу аҳволни кўриш мумкин.

Мазкур йилнинг ўн бир ойи ичида Республика вилоятларида 38741 ўқувчига мўлжалланган 119 та қишлоқ мактаби ва мактабларга қўшимча бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди, бу йиллик режанинг 77 фоизини ташкил этади...

— Гуруҳ сафари давомида «Қумда туриб, қумга ёлгимай...» деганларидек, газ, сув билан таъминланмаган мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ҳам учрадими?

— Сурхондарё вилоятида 128 та мактаб газлаштирилмаган. Масалан, Музрабод туманидаги С. Сатторов номидаги жамоа хўжалигига қарашли С. Айний номидаги мактаб ёнгинасидан газ қувури ўтган бўлса ҳам, илм масканига газ ўтказилмаган. Шу тумандаги Абдулла Қодирий номидаги жамоа хўжалигига қарашли Абдулла Қаҳҳор номидаги мактаб, Шўрчи туманидаги «Қамалак» болалар боғчаси ҳақида шундай дейиш мумкин.

Бухорода эса 260 та мактаб ичимлик суви билан таъминланмаган. Фикримизча, мутасадди раҳбарлар, ҳамда ҳокимликлар бу каби муаммоларнинг ҳал этилишида асосий вазифани ўз зиммаларига олишлари зарур.

— Жойларда қарор ижроси билан қизиқсангиз, вилоят халқ таълими бошқармаси ёки туман халқ таълими бўлими шуғулланмайди, дейишади. Шу тўғрими?

— Бу масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Тўғри, ВХТБ ва ТХТБ қурилиш билан шуғулланмайди, бироқ мактаблар қурилишига четдан қўруқ томошабин бўлиб туриш ҳам ярамайди.

Мактаб ҳамма учун! Шу боис туман халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари масъул ўртоқлар билан тез-тез учрашиб, бу борадаги масалаларни ҳал этмоқликлари лозим ва шарт. Қарор ва қонунлар барчага баробар.

— РЕЖАЛАР...

— Умуман, республика бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 182-қарорида кўрсатилган, режалаштирилган объектлар ишга тушади. Зиммамизга юклатилган вазифалар бажарилади. Ҳозир ҳар бир вилоят билан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. 1997 йилда Республика бўйича 60 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган (шулардан тенг ярми авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига) мактаб биноларининг қурилиши битказилиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Буларни ҳам ўз вақтида бажаришга эришамиз. Хуллас, масъулиятсизликка чек қўйиш йўли билан аҳволни ўнглаймиз.

Қ. МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.



ЯПОНИЯ ЯНГИЛИГИ

Японияда муъжаз электрониканинг муъжизаси — кичкинагина пробиркадек келувчи ёруғлик детектори ишлаб чиқарилди. Янгиликнинг имконияти ҳайратланарли: детектор Токиода туриб, Урал тоғларида ёнаётган шам ёруғлигини илғаб олиб, компьютерга узата олади.

ИЛМУ ИҚТИСОД

Европа компанияларига нефтни қайта ишлашда ҳосил бўлувчи заҳарли полихлорбифенил моддасини 1000 даража ҳароратда қуйдириб йўқотиш усули йилига 600 миллион долларга тушар эди. Ливерпуль университетининг олимлари тақдим этган лойиҳага кўра, заҳар 350 даражада ёндирилади, бунда фойдасиз ҳособланган уран оксиди ишлатиб юборилади ҳамда қуплаб маблағ иқтисод қилинади.

СУНЪИЙ БУРУН

АҚШнинг Массачусетс штатилик олимлар биринчи марта тўқиз хил модданинг ҳидини фарқлай олувчи компьютер тузишга эришдилар. Компьютер махсус асбоб узатаётган «ҳид»нинг рангли тасвирини экранда ҳосил қилиб беради ва келажакда медицинада ҳамда «ҳиссиётли» роботлар ясашда қўлланилиши мумкин.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Унинг сир-асрорларини оддий меҳнат кишисидан тортиб, раҳбар ходимларгача яхши билишлари зарур. Зеро, Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан ана шу мезонлар билан ўлчанади. Эндиликда республикамиз тасарруфидаги муассасалар (илмий текшириш институтлари, мактабдан ташқари муассасалар, педагогика билим юртлари) ўз-ўзини маблағ билан таъминлашлари керак. Бунинг учун таълим масканларининг раҳбарлари ишбилармон ва тадбиркор бўлишлари зарур.

Тошкентда Жаҳон банки иқтисодий ривожлантириш институти, халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ташаббуси билан ўтказилган «Ижтимоий соҳаларни молиялаштириш» мавзуидаги семинар-кенгашда шу ҳақда гапирилди. Семинарда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректорлари ҳамда олий ўқув юртларининг проректорлари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев «Ижтимоий соҳа ва халқ таълимини молиялаштириш тўғрисида»ги маърузасида таълимга кетадиган бюджет ажратмалари ва таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини тортиб олиш мумкин эмаслиги ҳамда пул маблағлари қолдиқлари уларни қайси манбалар ҳисобига ташкил топганлигидан қатъи назар, олиб қўйилмаслиги ҳақида сўз юритди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов «Олий таълим такомили тамойиллари ва унинг таъминоти масалалари», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумий иқтисодиёт бўлими бошлиғи Раҳмонқул Каримов «Ижтимоий соҳанинг макроиқтисодий тезлатгичлари ва унинг тараққиёти» масаласида, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректори, академик Тўрабек Долимов «Таълим тизимини молиялашнинг жаҳон тажрибаси», Ўзбекистон Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш котиби Талъат Усмонов «Ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари», халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов, «Молиялаштиришнинг муқобил манбалари» тўғрисида сўз юритишиб, семинар иштирокчиларини шу кеча-кундузда олиб борилаётган ишлардан воқиф этишди. Корея, АҚШ сингари давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар ҳам ўзларининг қимматли фикрлари билан ўртоқлашдилар. Семинар қатнашчиларига тадбирдан кейин бу долзарб масалани ижобий ҳал этишда ўзларининг алоҳида фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари учун керакли қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари улар уч кун давомида алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда қисқа ва лўнда маърузалар тинглашди, мунозаралар уюштирдилар.

Биз танаффуслардан фойдаланиб семинар иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Муҳаммад САИДОВ,
Навоий давлат кончилик институти проректори:

— Мен семинар-кенгаш кўнгилдагидек ўтди. деб бемалол айта оламан. Маърузалар қизиқарлилиги ва мазмундорлиги жиҳатидан барчада яхши таассурот қолдирди. Муҳими, бизга бу анжуман анча нарсалар берди. Таклифим, шу сингари семинар-кенгашлар тез-тез ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тотлимурод ОТАМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири:

— Бозор иқтисоди шароитида мавжуд шаҳар, туман ХТБ, мактаблар, мактабгача, мактабдан ташқари, махсус ва бошқа таълим муассасалари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашлари лозим. Шу маънода ўтказилган семинар-кенгаш бизга жаҳон педагогикасининг янги қирраларини очиб беришга ёрдам беради.Биз ушбу семинар-кенгашни уюштирган, унинг барча сарф-ҳаражатларини ўз зиммасига олган Жаҳон банки иқтисодий ривожлантириш институтидан чексиз миннатдормиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Ислоҳот одимлари

ИНСТИТУТ—МАКТАБ ШАРТНОМАСИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосида жойларда қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бу борада маориф тизимида ҳам кўплаб янгиликлар, узгаришлар бўй кўрсатяпти, ташаббуслар майдонга чиқаяпти. Шу ўринда куни кеча Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги Увайсий номли 104-мактабда Санъат лицейига илк тамал тоши қўйилганини алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиз. Келгуси ўқув йилидан бошлаб дебоча сифатида у ерда халқ амалий санъати, театр, тасвирий санъат йўналишлари бўйича лицей синфлари фаолият кўрсата бошлайди. Шу муносабат билан илм масканида Увайсийда «Санъат гулшани» тадбири ўтказилди.

Тадбир аввалида Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори Муҳсин Қодиров ва 104-мактаб раҳбари Абдунаби Орипов ҳамкорлик шартномасига расмий равишда имзо чекдилар. Ишончли вакил сифатида Халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосов ҳамда туман халқ таълими бўлими мудири муовини Муҳаммаджон Пулатовлар иштирок этишди..

Шартномада томонлар зиммасидаги вазифа ва мажбуриятлар, шунингдек, шарт-шароитлар, уларга амал қилиш тартиб-қоидалари бандма-банд кўрсатиб ўтилган. Уни олий ва ўрта мактаб жамоалари қўллаб-қувватлашди. Муҳими, шартномага биноан шу кундан эътиборан режа ва дастурлар тузишга киришилади.

— Мазкур даргоҳни бежиз танламадик, — деди тадбирда сўзга чиққан институт ректори, профессор Муҳсин Қодиров. — Бизга илтимослар кўп бўлди. Шу асосда институт жамоаси қайси мактаб ўғил-қизларида санъатга ихлос, истак, иштиёқ кучлилигини чуқур ўрганишди. Ниҳоят, Сирғали туманидаги 104-мактабда лицей очиш учун имконият, шароит борлиги маълум бўлди.

Дарҳақиқат, илм масканида санъат ихлосмандлари кўп. Масалан, бу ерда беш йилдан буён рақҳосалар ва «Умид» театр гуруҳи фаолият кўрсатаяпти. Ҳозир унга мактаб директори, санъат ва маориф фидойиси Абдунаби Орипов бевосита раҳбарлик қилмоқда. «Умид» театр гуруҳи туман, шаҳар миқёсида ўтказилган буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган курик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Туман ХДПси гуруҳ аъзоларини моддий, маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бораяпти. Бундан руҳланган ёш санъаткорлар саноат корхоналарига, мактаб ва болалар боғчаларига ташриф буюриб, концертлар, томошалар кўрсатишмоқда.

Ёш санъаткорлар қадрдон мактабидаги мазкур тадбирнинг бадиий қисмида ҳам Санъат институти талабалари билан тенгма-тенг беллашдилар. Айниқса, улар севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак!» саҳна асарини қиёмига етказиб ижро этдилар. Ўқувчилар Шуҳрат Нуралиев, Муножот Сатторова, Нилуфар Ҳакимова, Раҳим Ғаниев ҳамда Музаффар Эргашев ижро маҳоратлари мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди.

— «Умид» гуруҳи тузилганда, — деди ҳаяжон билан туман ХДП кенгаши биринчи котиби Ёқутхон Азизова, — ўғил-қизлар санъатини таниқли санъаткорлар келиб кўрса, мактабга буюк инсонлар қадам ранжида қилса, деб умид қилган эдик. Бугун орзуимиз ушалиб, санъатимиз мураббийлари билан юзма-юз учрашиб турибмиз...

Олий ва ўрта мактаб жамоалари учрашуви жараёнида бизда ҳам баъзи мулоҳазалар уйғонди. Очиғи, Сирғали туманидаги барча бўлим ва ташкилотлар, саховатли кишилар мактабларда таълим олаётган иқтидорли ўғил-қизларга, илм равнақига алоҳида аҳамият бераётирлар. Айниқса, Увайсий номидаги 104-мактабда иқтидорлиларни халқ орасидан катта саҳнага олиб чиқиш ҳаракати бошланиши эътиборга молик. Келажакда бу даргоҳдан буюк санъаткорлар етишиб чиқишига умид билдириляпти. Аслида умид, эзгулик, ишонч бор жойда муваффақиятларга эришилавериши ҳақиқат.

Бироқ бу ҳақиқатни, эзгуликнинг умри боқийлигини айрим ҳокимликлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари раҳбарлари ҳамон тушуниб етишмаяпти, мавжуд имкониятлардан етарлича фойдалана олмаяптилар. Улар ҳудудларида фалон олий ўқув юрти жойлашганини санаб беришади, холос. Мактаб, болалар боғчалари ёнидан керилиб ўтадилар. Ўзларича иш дастурини тузиб, белгиланган санада мактаб директоридан ўқитувчиларни ёки ўғил-қизларни бирор жойга тўплаб беришни сўрашади. Зотан, ҳозир замон янгича услублар воситасида фаоллик кўрсатишни талаб этаяпти.

Сирасини айтганда, Сирғалидагидек ибратли ишларни амалда бажариш, маҳаллада яшаётганларни ташаббус кўрсатишга чорлаш, шарафли ишнинг мазмун ва моҳиятини англатиш, кези келганда, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳомийлик қилиш, маънавият бўстони аталмиш — санъатни ривожлантириш каби юмушлар бошида юқорида тилга олинган мутасаддилар турмоғи лозим ва шарт. Очиғи, ўғил-қизлар камолидан, эл назарига тушишидан ҳамма-ҳамма қувонади, илм масканлари жамият кўркига айланади. Ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

Оқдарё туманидаги 38-ўрта мактабнинг география фани муаллимаси Маҳбуба Одилова аввало ўқувчиларга ўлкамиз ҳудуди, ундаги борлиқ, иқлим ҳақида тушунча бериш билан биргаликда уларга Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат ва ундан ғурурланиш каби хислатларни сингдиришга ҳаракат қилади.
Суратда: М. Одилова ғалдаги мавзуни тушунтираяпти.

А. РАҲИМОВ олган сурат.

ТИЛИМИЗНИ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗ ҚАДРЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

ган иштиёқи ва қизиқиши ўзбек ўқувчисининг рус тилига бўлган иштиёқ ва қизиқишидан тубдан фарқ қилади. Буни мен қарийб 26 йиллик педагогик тажрибаларимга таяниб, далил айта оламан.

Узбек ўқувчиси рус тилини бажонидил ҳафсала ва иштиёқ билан ўрганади. Русийзабон ўқувчи ҳақида бундай деб бўлмайди. Узбек тили дарсида «икки» баҳо олган русийзабон ўқувчининг сумкасини елкасига олганча намойишкорона бир вазиятда ўқитувчисини масхаралаб чиқиб кетганини кўп бор кузатганман. Айрим ҳамкасблар: «Бу ҳол ўқитувчисининг савияси, иқтидори ва тажрибакорлиги билан боғлиқ» деб, қарши фикр билдиришади. Тўғри, бироқ мен ўз умримнинг қирқ йилини маориф соҳасига бағишлаган, шу ерда риёзат чеккан халқ маорифи аълочиси, уз касбининг чинакам фидойиси, устозим Йўлдош Бобоевнинг ҳалол меҳнатига асло шубҳа қилмаган бўлардим. У ўз умрининг барча фасларини русийзабон ўқувчиларга ўзбек тили сабоғини беришга бағишлаган беназир инсон. Унинг кўпгина фикрлари, мушоҳадалари ушбу мақоламга асос бўлди.

Бир рус ҳамкасбимнинг қуйидаги фикрлари ҳануз кўнглимга ғашлик солиб келади: «Рус ўқувчиси ўзбек тилини ўрганиши шарт эмас, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Шунингдек, ўзбек ўқувчиси ҳам рус тилини ўрганиши мажбурий эмас». Ачинарлиси шундаки, у бу гапини ўз ўқувчиларига ошкора тарзда баралла эшиттириб айтди. У математика фани мутахассиси эди. Мактабда 35 йил ишлаб, яқинда Россияга, аниқроғи, ўз она юртига кўчиб кетди.

Мен асло бир миллатни иккинчисидан устун қўйиб, камситмоқчи эмасман. Рус биродарларимизга хусуматим ҳам йўқ. Яхшигина рус, белорус, украин қўшниларим бор. Бошқа нарсага ачинаман. Чунончи, мактабимизда 1054 нафар ўқувчи бўлса, шундан 105 нафаригина рус синфларида ўқийди. Уларнинг ҳам орасида татар, бошқирд, чуваш, нўғайлари бор. Таассуфки, мактаб нурхонасидаги жами бадиий, илмий адабиётларнинг қарийб 80 фоизи рус тилида. Боёвут ва Ховос туманлари, Ширин шаҳри кутубхоналарида ҳам шу аҳвол. 65-70 фоиз адабиётлар ҳануз рус тилида. Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, А. Авлонийларни-ку қўя туринг, бугунги насримизнинг етук намояндалари бўлмиш А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, О. Ёқубов, П. Қодиров, С. Аҳмад, М. Муҳаммад Дўст, Ш. Холмирзаев, Т. Малик асарларини, А. Орипов, Э. Воҳидов, М. Юсуф, Х. Даврон, У. Азим, О. Матжон ва бошқа шоирларнинг китоблари анқонинг уруғи. Борлари ҳам эскириб, титилиб кетган. Кўпдан буён янги китоб олинмаган.

Умумтаълим мактабларининг 7-11-синфлари учун ўзбек тили дарсликлари, юқорида айтилганидек, ҳануз ўша-ўша, эскича қолипда. Матн, таржима, луғат, расм асосидаги ҳикоя, грамматик қоида изоҳ тарзида давом этиб келаяпти. Назаримда, янгича ўзбек тили қўлланма ва дарсликларида ўқитувчи-ўқувчи мулоқотларининг янгича лисоний манбаларига мустақиллик руҳини ифодаловчи янги матнлар, янгича атамалар, Қадимги Шарқ маданиятининг бой қомусий манбалари — Юсуф Хос Ҳожиб, Юғнакий, Яссавий, Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ҳикматлари, панд-насиҳатлари ва Қуръони Карим ҳадислар мазмуни билан суғорилган манбалар, нутқ ўстириш, қайта ҳикоялаш, саволжавоб усулида киритилиши зарур.

Олимларимизнинг ҳисоблашича, ҳозирги рус тили лексикасида 3 мингдан зиёдроқ турки сўз ва ўзлаштирилган сўзлар бор экан. Масалан, киоск — асли шакли қўшк, утюг — ўтли юк, колбаса — қўл бости, душ — тушши (ювиниш жойи, ўғуз лаҳжасида дўшши), очаг — учоқ (олов — ёнувчи марказ), чучело — чучитмоқ, қўрқитмоқ, гитара — аслида ситора (форсча уч торли чолғу асбобининг номи), сироп — шароб, карандаш — қора тош (тоғ жинси) ва ҳоказолар. Русийзабон ўқувчи ана шу лексик бирликларнинг энг аввало, туркий қавмларга, ўзбекларнинг ота-боболарига тегишли эканлигини билишлари керак. Ахир, бугунги русийзабон ўқувчи ўзбек биродари билан тўлиқ мулоқотга киришиши учун кам деганда 4000 дан кўпроқ ўзбекча туб сўзлар мазмунини билиши лозим.

Бунинг учун уларнинг дарсликларида «Янгича атамалар», «Ўзбек иборалари — фразеологизмлар», «Архаик ифодалар» — эскирган сўзлар сингари рукнлар бўлиши шарт деб ҳисоблайман. Шундагина улар ўзбек тилининг луғавий бойликлари имкониятларига бошқача назар билан қарайдилар ва бу бой, сержило тилга кўр-кўрона нописандлик иллатидан халос бўлишади.

Муҳаммад МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ховос туманидаги А. Навоий номли 1-ўрта мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёти ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ушбу муаллифнинг фикрлари билан танишиб чиқиш учун уни Республика Таълим маркази мутахассисларига бердик. Улар М. Мелиқўзиевнинг мулоҳазаларига қуйидаги шарҳни ҳавола этишди.

Мактубга жавоб

БЕХАБАРЛИК

Сизнинг она тилимиз фидойиси сифатида дилдан куйиниб ёзган мактубингизни ўқиб, мактабларимизда сизга ўхшаган жонкуяр муаллимлар ишлаётганлигидан кўнглимиз таскин топди.

Зеро, сизни ташвишга солаётган бу муаммолар биз педагог олимларни ҳам, айниқса, таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синфларда дарс бераётган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини ҳам қийнаб турибди.

Республика Таълим марказининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синфларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш бўйича илмий-методик кенгаши 1992 йилдан бошлаб қўлланма ва дарсликлар мазмунини янгилашга оид бир қанча ишлар қилди. Чунончи, 1, 2, 4, 5, 6, 7, 9-синфлар учун «Ўзбек тили» дарсликлари қайта ишланиб, нашр этилди. 1994 йил 20 августда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилишининг 23-сон қарори билан «Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф (гуруҳ)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси» тасдиқланди. Шу концепция асосида тил ўқитишнинг замонавий усулларига таянган ҳолда «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқув дастури ишлаб чиқилди ва шу йилнинг бошида «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Бугунги кунда янги дастур асосида ўқитувчилар талабига жавоб бера оладиган дарслик ва қўлланмалар тайёрланмоқда.

Сиз тилга олган «мавзулар» эскирган дарсликлар яъни, 5-синф дарслиги (М. Енилеева, Д. Боқиева); 6-синф дарслиги (Х. Асалов), 7-синф дарслиги (М. Раззоқов, К. Холиқбердиев) аллақачон қайта ишланиб, бошқа муаллифлар томонидан нашр этилган.

Янги дарсликларда сиз таклиф этаётган «янгича лисоний матн»лар киритилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тил ўқитишда барча адабий-бадиий матнларни, хусусан, тил жиҳатдан мураккаб матнларни дарсликка киритавериш тўғри эмас, чунки бу матнлар ўзбек тилини она тили сифатида эмас, балки иккинчи тил — давлат тили сифатида ўрганаётганлар учун қийинчилик туғдиради.

Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз предметидан дарс соатларининг кўпайтирилишини исташи, табиий. Аммо ўқувчининг ҳафталик дарс соатлари ҳанузга қадар жуда кўплиги, болаларнинг ўз устида мустақил ишлашларига, соғлом усишларига имкон бермаётганлигини биласиз.

Ўқувчини дарсга қизиқтириш, аввало, ўқитувчининг педагогик маҳоратига, қолаверса, ўқувчиларга бўлган муносабатига боғлиқ. Чет тилларни ўқитишнинг замонавий усулларида ўқувчини дарс мавзусига қизиқтириш асосий ташкилий қисм саналади ва дарс режасига киритилади. Ижодкор ўқитувчи янги мавзуни баён қилишдан олдин кузда тутилган материал, мавзуга қизиқтириш йўлларини аниқ ишлаб чиқиши лозим.

Назаримда, сиз вилоятлардаги кўпгина муаллимлар қатори таълим мазмунини такомиллаштириш борасида қилинган ишлардан бироз беҳабарга ўхшайсиз. Балким, буни матбуот нашрлари, дарсликларнинг чекка жойларга ўз вақтида етиб бормаётганлиги билан изоҳлаш мумкиндир. Аммо, сиздай фидойилар янгилик истаб, талаб қилсалар, бунга хурсанд бўлишимиз керак. 1995 йил 15 декабрда Самарқанд шаҳрида шу соҳа мутахассисларининг «Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган ўқув-тарбия муассасаларида давлат тилини ўқитишнинг янгича тамойиллари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилди. Таклифлар асосида ўзбек тили таълими борасида қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, замонавий таълим усуллари асосида «Мусиқали ўзбек тили таълими» ўқув кассеталари методик қўлланмаси билан бирга (1 ва 2-кассеталар), «Ўзбек тили ва адабиётидан ўқув фильмлари (видеокассеталар) тайёрланди. (Буюртма орқали республика Таълим марказидан олиш мумкин. Манзил: Тошкент, 27, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй). Илғор ўқитувчилар тажрибаси оммалаштирилган «Ноанъанавий дарс ишланмалари» номли методик рисола, рус синфлари учун «Ўзбек тили ва адабиётидан тест материаллари» китобчаси чоп этилди. Шу кунларда ўзбек тилини мустақил ўрганувчилар учун расмли ўзбек тили китоби, бошланғич синфлар учун кўрсатмали қўлланма каби бир қатор янги методик адабиётлар нашрга тайёрланмоқда.

Абдурозиқ РАФИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент, республика Таълим марказидаги ўзбек тили бўйича илмий-методик кенгаш раиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақоланинг бири савол, бири жавоб. Бехабарлик ва бохабарлик юзасидан фикрлар тўқнашуви дейилса ҳам бўлади.

Хўш, М. Мелиқўзиевнинг қуюнчаклик билан ёзган мактубини нега мутахассисларга бердик? Чунки дарсликлар устидан назорат ўрнатувчи алоҳида идора — республика Таълим маркази ходимлари бу мақола муаллифига муносабат билдиришлари керак эди. Негаки, маълум маънода эътирозлар ўринли, танқидий фикрлар холис ва беғараз эди.

Абдураззоқ Рафиевнинг таъкидлашига қарагандa, ўрта мактабларнинг русийзабон синфлари учун қатор дарслик ва дастурлар ишлаб чиқилган, улар янгиланиб, чоп этилган. Фақат ундан барча оғоҳ эмас, жумладан, Муҳаммад Мелиқўзиев ишлаётган мактаб жамоаси ҳам бундан хабардор эмас кўринади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мактаблар, халқ таълими бўлимлари чиқарилаётган, тавсия этилаётган дарслик, дастурлар юзасидан доимий равишда ахборотга эга бўлишлари керак. Кейин-чи? Дейлик, ушбу мақолада ахборот бор. Уни олиш учун аввало эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинади, сўнгра буюртма берилади. Албатта, бу каби ҳолатлар Ховос тумани мактаблари учунгина хос бўлмаса керак. Ҳушёрлик янгиликлардан воқиф бўлишнинг муҳим шартидир. Ахборотни эса газета ва журналлар мутолаасидан оласиз.

Агар газета-журналларда чиқмаган бўлса, унда бизга саволли мактуб йўлланг. Қўлимиздан келганча жавоб берамиз. Дейлик, бир саволга, мана ушбу хатда РТМ жавоб берган.

Қадриятларимиз

ЙАЛДО — МАЪРИФАТ ТУНИ

Йалдо кечаси... Мумтоз адабиётимизда тим қоралик, тоза қораликнинг тимсоли бўлган йалдо (кечаси):

Йўзунг кундуз, сочинг йалдо кечаси
Телим ошиқ йўзунга жон кечаси

деб ёзилади Камол Хўжандий «Латофатнома»сида. Ўзбек, турк, тожик, пашту тиллари луғатларида йалдо — қишнинг энг қоронғи ва энг узун кечаси деб изоҳланади. Ростдан ҳам «... сочинг йалдо кечаси» дейиш билан сочнинг соф қоралигидан ташқари унинг узунлиги ҳам тавсиф қилинади.

Йалдо кечаси бўлгали йорим била ҳамгап
Бир ғамзага торож этибон дин ила мазҳаб

деган шоҳ Машраб йалдо кечаси қоронғилиги ва узунлигини йор билан узун суҳбат қилишнинг мақбул воситаси сифатида тақдим қилади. Бу ўриндаги йор — конкрет инсонми ёки эшми бундан муддао ўзгармайди: ҳар кимса ўз тушунча хурмачасига сиғганича қабул қилаверади.

Йалдо кечасин шамъи шабистон этган
Бир лаҳзада оламни гулистон этган

деганда ҳазрат Яссавий ушбу энг қора, зулмат кечани ёритиш, уни ёғдуга тўлдириш воситаси ҳақида фикр юритар экан, гапни чўзмай, бундай восита Ўзи ва Ўзининг ёди эканлигини айтиб қуя қолайлик. «Йалдо кечаси» тушунчаси фақат Урта Осиё минтақасида эмас, балки Шарқнинг бошқа ўлкаларида ҳам тарқалганлигини Камол Хўжандийнинг:

Ҳилолтек чеҳрангиздин кўк узра бадр,
Йўзунг кундузи зулфунг лайлатул қадр.

иккилигидан англаса бўлади. Ушбу иккилик «лайлатул қадр» ҳам рамазон ойининг 27-кунини ҳам йилнинг энг узоқ кечасини ифода этганлигини, мантиқан ёндошганда, иккинчи маъно қадимийроқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Йалдо кечаси қуёш йилойкунига биноан ҳисобланиб, у ҳозирги кунсанаш бўйича 22 декабрдан 23 декабрга ўтар кечасига тўғри келади. Маълумки, 21, 22, 23 декабрь ойи кечалари йилнинг энг узоқ кечалари бўлиб, ундан кейин кун узайиб, кечалар қисқара бошлайди. Сутканинг учдан икки қисмида қоронғулик ҳукмронлик қилади. Бу ҳозирги замон вақт ўлчови жуда такомиллашган даврдагина эмас, бундан минглаб йиллар аввал ҳам ота-боболаримизга аён бўлганлигини «йалдо кечаси» тушунчаси тасдиқлайди. Табиатнинг мана шу йилда бир марта такрорланадиган ажойиб чоғига аждодларимиз бефарқ қарамаган, ушбу ҳодисани махсус атаганларгина эмас, балки уни алоҳида маросим сифатида қабул қилишганки, мана, шу чоғ ва маросим номи «йалдо» бўлган.

«Йалдо» сўзи келиб чиқиши ҳақида, унинг дастлабки тузилишию маъноси ҳақида ҳанузгача бирор изоҳ учратмадик. Албатта, «Навоий асарлари луғати»даги «Ф», яъни «форсча сўз» деган изоҳ бундан мустасно. Бизга булардан қайси бири қадимий эканлиги қоронғи бўлганлиги учун уни, яъни «залт» ва «талқ» сўзларини турксуғуд сўзи деб атасак, ҳақиқатга яқин бўлади. Ушбу турксуғуд сўзи «йалдо» сўзига асосдир. Шундай қилиб, йалдо турксуғуд сўзи бўлиб, маъноси узоқ гаплашадиган, суҳбатлашадиган, учрашадиган, деган маъноларни ифода этади. Кишиларнинг тўпланиб суҳбатлашуви «гап» дейилиши ўзбек тилида гаплашувчилар учун таниш. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, «йалдо» ҳам «гап», лекин йилда бир марта бўладиган гапдир. Йалдо маросими суҳбат, гапга бағишланганлигини Машрабнинг юқорида келтирилган иккилигидан ҳам англаб олиш қийин эмас.

Ушбу фикр болалигимдаги «узун тун» маросимини эсга солади. Отам (адамнинг адаси) ана шу «узун тун» кечаси гап берарди. Яъни ул кишининг яқинлари, оғайнилари (ҳаммаси эркаклар) қош қорайиши билан бизникида тўпланишар эди. Биз 7-10 ёшлардаги болаларга ҳам пойгақда ўтиришимизга ҳеч ким монеълик қилмасди. Бизга «чол» бўлиб кўринган бу кишилар ҳар бири ўзи билан ширинликми ёки бирон емишми олиб келишар ва уни бувимиз қазноқдаги тахвонда олиб қолар, кейин идишларга солиб, даврага киритишарди. Қироат билан Қуръондан оят ўқилгандан сўнг, чой тортилиб, енгил тамадди қилингандай бўлар, кишилар ўзаро суҳбатлашиб чой ичишар, кейин эса «бошлаймизми» деган сўздан сўнг «Ҳикмат» турки қироат билан ўқиларди. Менинг назаримда, бу жуда узоқ давом этгандай. Бу қироат ҳозирги кўча-кўйларда Машрабдан ўқиб юрувчилар қироатига яқин, аммо айнан эмас. Отам ҳофиз бўлганлиги учунми бу қироат менга жуда ёқар эдики, оҳанги ҳали ҳануз қулоғимдан кетмаган. Ҳар замонда Қуръон ўқишнинг фақат икки усули — арабий қироат ва турки қироат бор деган гапни эшитганда, ўша оҳангни эслаб тураман. Отам ва яна бошқа «Ҳикмат» ўқувчилар чарчагандан бўлса керак, норин тортилиб танаввул қилинар ва кейин дастурхон йиғиштирилиб, катта ашулалар айтиларди. Уйда дутор бўлгани ҳолда бу ашулалар ликопчани чертиб айтиларди, умуман, бизнинг қишлоқ ҳофизлари ашулани ва қуйни қўшишни, жўр қилишни жуда хушламасдилар чоғи. Кейинроқ студент бўлган кезимда отамдан бунинг сабабини сўраганимда «овозига ишонмаганлар қуй жўрлигида уни ширали қилишга уринади» мазмунида жавоб олган эдим. Ашуладан сўнг дутор (у ҳам чирманда жўрлигисиз) чалинарди. Ундан сўнг адашмасам, қуртова тортилиб, ўртага жуда катта-катта лочиралар келтирилар эди. Қуртовага лочиралар майдаланиб солинар ва тез ивиган лочира қўл билан олиб ейиларди. Эсимда, қуртовага эритилган сарёғ солинмаса, уни ҳақиқий қуртова ҳисоблашмасди.

Ундан кейин эса, дастурхонлар йиғиштирилиб, ўтирган жойларида, қанча давом этишини билмадиму, «ё ҳу, ё ҳу» дейдилар, бунда бошлар қуйи солинган бўларди. Қизиқ, 20 нафар одам «Ё ҳу»ни қандай қилиб бирдай айтарди, нега бири олдин, бошқаси орқада қолмасди, лекин оғир, ҳазин, кучли овоз билан киши айтаётгандай туюларди. Шундан кейин, ёдимда бўлса, намоз, яъни хуфтон намози ўқилар ва ундан сўнг яна «Ҳикмат» ўқиш давом этарди. Хуллас, мачит бўлмагани учунми (ўша пайтларда мачит ман этилгани ҳаммамизга аён) бомдод намози ҳам шу ерда ўқилиб, кейинги йилга, ушбу кунга эсон-омон етказишни Ўзидан сўраб, фотиҳа қилинар ва тарқалишар эди.

Албатта, баён қилинган маросимнинг ҳамма томони этнографик жиҳатдан тўлиқ тасвирланди, дейишга тилим бормайди. Мен ҳарҳолда 7-8 яшар бола эдим. Бу маросимни атиги икки марта кўрганимни эслайман, холос. Шунинг учун баъзи воқеаларни 44-45 йил ўтгандан кейин хотирлашда ғализлик, ғалатларга йўл қўйган бўлсам, узр. Шунча ҳаракат қилмайин, йалдо кечасига келганлар қўл бериб саломлашишда, айтадиган сўзлари борлигини биладигандайману, аммо эслай олмайман. Агар бундай маросимни бошқа жойларимизда, бошқа вақтларда кўрган, билган, қатнашган кишилар бўлса, ўшалар бизни тўлдирадилар, баъзи хатоларимизни тузатадилар деган умиддамиз.

«Йалдо» сўзи то бадиий тимсолга айлангунга қадар у халқнинг орасидаги тантана, маросим кунларидан бири бўлганлигига шубҳа қилиб бўлмайди, аммо бу маросим, вақт ўтиши билан деформацияга учраган ва оқибатда бизнинг замонамизга келиб, мутлақо унутилган бўлиши мумкин. Бизнинг бунга ишончимиз қуруқ ерда ҳосил бўлмаган. Ота-боболаримиз табиат билан уйғунликда яшаган чоғларда ҳар бир киши ўз қавмининг бир бўлаги, табиатнинг бир зарраси, ота-бобосининг давоми деб тушунилган примитив, лекин соф дин ҳукмрон бўлган даврлардан Наврўз, Йалдо байрамлари мерос қолган бўлса ажаб эмас. Бизнинг ожиз бир фикримизга кўра ушбу байрамлар (ҳали биз аниқлай олмаган байрам ва маросимларимиз яна очилишига ишонамиз!) келиб чиқиши, мақсадга кўра турфадир. Агар Наврўз кўклам кун-тун тенглигини билиш билан деҳқончилик, янгиланиш тантанаси бўлса, йалдо энг узун тунни билиш билан ундан маърифий мақсадда фойдаланишга йўналтирилган. Бу 365 кеча-кундузнинг энг узоқ туни — яъни зулмат, зимистонлик, қоронғулик «шамъи шабистон» — маърифат нури билан равшанлаштирилган. Илм-маърифат ёғдуси узоқ қоронғи тунни ёритувчи шамдирки, буни ҳазрат Яссавий иккилигидан идрок этмак мумкин. Табиатни англаш, унинг таркибий қисмлари орасидаги боғланиш қонуниятларини билиш билан киши доимо такомиллашиб боради , ўша боғлиқликда инсон ўзининг ҳам борлиғини англаса, ҳис қилса, унга қарши юришга эмас, янада уйғунлашишга интилади, демакки, камол сари, камолот сари қадам ташлайди; табиатни бўйсундирмайди, зотан, табиат Ўзига бўйсунади, ундаги мутаносибликни кўриб, зарра ғайриқонуний нарса ва ҳодисани топа олмай танг қолади ва оқибатда энг мукаммал, мукаммаллар мукаммали бўлмиш Яратганнинг Ўзига талпинади, унга эришиш йўлларига кўз тутади — яхшиликдан бошқа нарсани эътироф этмайди. «Мен»ини «сен»га, «биз»га зид қўйиш тубанлик ва кишилик моҳиятига зид эканлигини юксак кўтаринкилик кайфияти билан ҳис этади, англайди.

Йалдо кечангиз, Йалдонгиз муборак! Яратганнинг ўзи кейинги йалдоларга кўнгил уйимизни равшанроқ, дилимизни пок, тилимиз билан уйғун бўлиб етишида мададкор бўлгай, ота-боболар руҳи қуллагай!

Бахтиёр ЎРДАБЕКЛИ.

Тошкент шаҳридаги 311-бошланғич мактабда ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига, уларнинг билим савиясини оширишга катта эътибор берилаётир. Билим масканида малакали муаллимлар ёш авлодга инглиз тилидан ҳамда мустақил давлатимиз тарихи, унинг етук олимлари, давлат арбоблари, шоирлари ҳақида билим бермоқдалар.

СУРАТЛАРДА: ёш, қобилиятли муаллима Саноат Ниғматова лингафон кабинетида 2-синф қизларига инглиз тилидан сабоқ бераётир. Тажрибали ўқитувчи Лола Мансурова ўқувчиларга шеърият мулкининг султони Алишер Навоийга бағишланган стенд олдида Навоий ва унинг ижоди ҳақида сўзлаб бермоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

БУЮК АРБОБ 110 ЁШДА

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўзбек маданиятининг буюк арбоби, атоқли адиб ва олим Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантана ва илмий анжуман бўлиб ўтди.

Кечада таниқли шоирлар, олимлар, профессорлар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда сўзга чиққанлар олимнинг илмий-адабий ва ижтимоий фаолияти, драматургия соҳасидаги ютуқлари, шунингдек, илмий мероси ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Алишер НАЗАР.

Мактабгача тарбия муассасаларида

МУСАФФО ЧАШМАДАН ТОМЧИЛАР

ЁКИ СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Халқ педагогикаси асрлар мобайнида ота-боболаримизнинг ибратли ишлари замирида йўғрилган ва тарбия жараёнида қўлланиб синовдан ўтгандир. У бугунги кунда ҳам ёш авлодни қобилиятли, зиёли, бирон ҳунар эгаси қилиб камол топтириш учун асосий манба ҳисобланади. Буни эътиборга олиб, биз бир неча йилдирки, боғчамизда буюк алломалар, улуғ сиймолар амалга оширган ибратли ишлари тимсолида болаларга тушунчалар бериш орқали кичкинтойларни тарбиялашга ҳаракат қилаяпмиз.

Маълумки, республикамиз Президенти И. Каримов Фармонига биноан «1996 йил — Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан боғчамиз гуруҳларида Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти, бунёдкорлик фаолияти тўғрисида суҳбат ва турли хил тадбирлар утказиш режаларини ишлаб чиқдик. Тожинисо Мирзааҳмедова, Мастура Раҳматова, Маҳфуза Хўжаева сингари тарбиячилар Соҳибқиронинг адолатпарварлиги, бунёдкорлиги, илм-фанга ниҳоятда эътиборли бўлганлигини содда ҳикоятлар, ўйин машғулотлари орқали ўғил-қизларга тушунтириш усулларини қўлладилар.

Амир Темур сиймоси — унинг она юртни обод қилишга қўшган улкан ҳиссаси, бизга мерос қолдирган тарихий обидалардан «Оқ сарой» ёдгорлиги сиғгари ҳашаматли бинолари, табаррук инсонлар мақбараларининг таъмирлангани ҳақида тарбиячиларимиз болажонларга сурат-кўринишлар, ҳунармандчилик буюмлари ва ўйинлар орқали тушунча-билим бермоқдалар.

Тарбиячи Т. Мирзааҳмедова эса машғулотларда буюк аллома Абу Али ибн Сино сиймоси орқали доривор гиёҳ ва ўсимликларнинг хосияти, унинг инсон саломатлиги учун фойдаси ҳақида кичкинтойларга ўзига хос сабоқ бериш усулидан фойдаланаётир. Боғчамизда гиёҳлар билан даволаш хонаси ҳам ташкил этилди. Хонада халқ табобатидан фойдаланган ҳолда даволаш усуллари қўлланилаётир. Жумладан, томоқ оғриғи, бош оғриғи, иштаҳа очиш ва сурункали касалликка чалинган болаларга, сариқ касалидан кейинги даволаш муолажалари амалга оширилаётир. Тарбиячи боғча ҳамшираси Наима Раҳимова билан ҳамкорликда тайёрланган шифобахш ичимликлар болалар саломатлигини тиклашда яхши натижалар бермоқда.

Мураббия ўғил-қизларга шифобахш ўсимликларни таништиришда машғулотнинг суҳбат шаклидан моҳирона фойдаланяпти. Жумладан, у тарбия жараёнида болаларга исириқ ҳақидаги қуйидаги шеърни ўқиб берди:

Белни боғлаб келдик тоғ, адрдан,
Тумов-пучқов йўқми ҳой қадрдон.
Касалликни қийратмоқ бизга тан,
Ёндирмасдан тутатмоқ сизга тан,
Исириқжон-исириқ, дардга даво исириқ.

Шундан сўнг мураббий шеър мазмунини кўргазма асосида тушунтириб берди ва бу ўсимликнинг шамоллаш, грипп билан оғриганда фойдаси тегишини, исириқ тутатиш касалликнинг олдини олиш чораларидан бири эканлигини кичкинтойларга англатди.

Катта гуруҳ тарбияланувчилари иштирокида «Гиёҳчамбар» ўйини ҳамда «Гуллар мушоираси» бадиий композицияси тузилди. Бийрон тилли қувноқлар 17 хил турдаги гуллар тимсолида айтишув ва чиқишлари билан тингловчиларни хушнуд этдилар.

Ибн Сино амалга оширган ишларини ҳозирги даврга боғлаган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш, турли доривор гиёҳларни, ҳайвонот ва қушлар оламини асраш, уларни парвариш қилиш лозимлиги ҳам ўғил-қизларга уқтирилди. Жумладан, «Гуллар ва қушлар» эрталиги орқали қушларнинг турлари, яшаш манзиллари ва парваришлаш йўллари, гулларни қандай ўстириш лозимлиги ҳақида атрофлича тушунтирдик. Гуруҳлар болалари билан боғча ёр майдончасида кичик гулхоналар ҳам ташкил этдик. Ҳозир кичкинтойларнинг ўзлари гулларга сув қуйиб, ўғит солиб, парвариш қилаётирлар.

Тажриба-кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, тарбиялаган болаларимиз уз тушунча-билимларини ҳаётга тадбиқ этишга интилишаяпти. Масалан, кўз бошида иккинчи тайёрлов гуруҳидаги Фарруҳжонни ари чақиб олибди. Бундан хабар топган гуруҳдоши Нилуфар дарҳол ҳовлидаги райҳон баргини узиб олиб, уни эзди ва ари чаққан жойга боғлаб қўйди.

Умуман, ўйин, эрталиклар, бадиий композициялар тузишда жамоамиз халқ педагогикаси — мақол, ривоят, ҳикоятлардан тобора кенгроқ фойдаланяпти. Ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларда урнак бўладиган ўгитлар, халқ педагогикасига оид миллий урф-одатлар баён этилган. Болаларга ана шундай мавзуларни сингдириб бориш эса уларнинг бебаҳо халқ хазинасидан баҳраманд бўлишларига ва тарбияланишларига хизмат қилаётир.

Мавжуда ШОКИРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 456-болалар боғчаси мудираси.

Фитрат

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Деди: недур санга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлук ҳамиша.
Деди: бу ишдин ўлмас касб рўзи,
Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.
Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.
Дедиким: куймагингни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!
Деди: бу ишқдин инкор қилгил!
Деди: бу сўздин истиғфор қилгил!
Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи балошўр.
Деди: ишқ аҳлининг недур ҳаёти?
Деди: васл ичра жонон илтифоти.
Дедиким: дилбарингнинг де сифотин!
Деди: тил ғайратидин тутмон отин!
Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур,
Деди: кўнглумда жондек ёшурундур.
Деди: васлиға борсен орзуманд?
Деди: бормен хаёли бирла хурсанд.
Деди: нўши лабидин топқай эл баҳр?
Деди: ул нўшдин эл қисмидур заҳр.
Деди: жонингни олса лаъли ёди?
Дедиким: ушбудир жоним муроди.
Деди: кўксунги гар чок этса бебок?
Деди: кўнглум тутай ҳам айла деб чок!
Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.
Дедиким: ишқдин йўқ жуз зиён буд.
Деди: бу келди савдо аҳлига суд.
Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур!
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур!
Деди: ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний,
Деди: туфроққа бермон кимёни!
Деди: жонингга ҳижрон кинакашдур,
Деди: чун бор васл уммиди хушдур.
Дедиким: шаҳга бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоху дарвеш!
Деди: жонингга бу ишдин алам бор,
Деди: ишқ ичра жондин кимга ғам бор?
Деди: кишвар бераай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдан!
Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!
Деди: ишқида мақсудимга етгум.

НИЗОМИЙ

Нахустин бор гуфташ, к-аз кужой?
Бигуфт: Аз дори мулки ошной.
Бигуфт: Он жо ба санъат дар чй кўшанд?
Бигуфт: Андуҳ харанду жон фурўшанд.
Бигуфто: Жонфўрўшйд ар адаб нест.
Бигуфт: Аз ишқбозон ин ажаб нест.
Бигуфт: Аз дил шудй ошиқ бад-ин сон?
Бигуфт: Аз дил ту мегўй, ман аз жон.
Бигуфто: Ишқи Ширин бар ту чун аст?
Бигуфт: Аз жони ширинам фузун аст.
Бигуфто: Жон мадеҳ, бас дил, ки бо ўст,
Бигуфто: Душмананд ин ҳар ду бе дўст.
Бигуфт: Ором гиру хуш беёрам,
Бигуфт: Орам дилгў, бе дил ором.
Бигуфт: Ар ман кунам дар вай нигоҳе?
Бигуфт: Офокро сўзам ба оҳе.
Бигуфт: Аз ишқ корат сахт зор аст,
Бигуфт: Аз ошиқе хуштар чй кор аст?
Бигуфт: Аз дил жудо кун ишқи Ширин!
Бигуфто: Чун зиям бе жони ширин?
Бигуфт: Афсун бихон ва матлаби дил,
Бигуфт: Афсун тавон хондан ба бобил.
Бигуфто: Гар хироми дар сароя?
Бигуфт: Андозам ин сар зари пояш.
Бигуфто: Гар кунад чашми туро реш.
Бигуфто: Ин чашми дигар дорамаш пеш.
Бигуфто: Дил зи меҳраш кай куни пок?
Бигуфт: Он гаҳ, ки бошам хуфта дар хок.
Бигуфто: Гар касеш орад фаро чанг?
Бигуфт: Оҳан хўрад в-ар ҳуд бувад санг.
Бигуфто: Гар наёбе сўи ў роҳ?
Бигуфт: Аз дур шояд дид дар моҳ.
Бигуфто: Дурє аз маҳ нест дарж(в) ар,
Бигуфт: Ошуфта аз маҳ дур беҳтар.
Бигуфто: Гар бихоҳад, ҳар чй дорй?
Бигуфт: Ин аз худо хоҳам ба зорй.
Бигуфто: Гар ба сар ёбиш хушнуд?
Бигуфт: Аз гардан ин вом афганам зуд
Бигуфто: Дўстиш аз табъ бугзор.
Бигуфт: Аз дўстон н-ояд чунин кор.
Бигуфт: Осуда шав, к-ин кор хом аст.
Бигуфт: Осудагй бар ман ҳаром аст.
Бигуфто: Рав сабурйкун дар ин дард,
Бигуфт: Аз жон сабурй чун дард тавон кард?
Бигуфто: Дар ғамаш метарей аз кас?
Бигуфт: Аз меҳнати ҳижрони ў бас!
Бигуфт: Ў они ман шуд, з-ў макун ёд,
Бигуфт: Ин кай кунад бечора Фарҳод?
Бигуфто: Жон чаро фарсуда дорй?
Чй бошад к-аз ғамаш осуда дорй.
Жавобаш дод кой шоҳ жаҳондор,
Чу хокам ўст жон наздаш чй миқдор.

Навойи бу фаслнинг сўнг қисмида Низомий изидан юрмайдир. Низомийга кўра шу мусоҳабадан кейин Хусрав Фарҳод билан Бесутун тоғини қазиш устида шарт боғлоғон эди. Навойи достонининг бориши буни кўтармайдир. Чунки Навойи Хусрав билан Фарҳодни Мадойинда эмас, Арманияда кўришдирдир. Бу ерда туриб Бесутун тоғини қаздириш муносабатсиз тушадир. Зотан Навойи Хусрав Парвизни ёқтирмайди. Уни яна бир оз инсон сизрак кўрсатмак Навойига фойдалидир. Шунинг учун Навойи бўйинча: Хусрав Фарҳоднинг уста жавобларидан аччиғланадир.

Сиёсат қилғуликдир бу хидой
Ки, ҳар бир тоғ ила води годой
Яна кўргузмагай бе хавф-у даҳшат,
Салотин хазматида сўзга журъат,
Ғазаб бирла буюрди «шоҳ-ғаддор»
Ки, урдилар ҳисор олинда бир дор.

Навойига кўра «Шоҳ ғаддор» бўлгон Хусрав Фарҳодни дорга ҳукм қилгоч, Фарҳод қўрқмасдан узун бир нутқ сўзлайдир. Хусравнинг бутун қабохатларини юзига урадир. Ундан кейин ўлимга ҳозир бўлгонин жаллодга эълон қиладир.

Бузуг Уммед орага тушиб Фарҳодни ҳабс қилиш керак дейдир. Фарҳод ҳабс қилинадир. Қаровуллар ҳолига раҳм қилиб уни озод қиладир. Фарҳод шул атрофда «мажнунона» юриб қушлар, ҳайвонлар, тошлар, юлдузлар билан дардлашадир. Ширин Фарҳоднинг осилиши хабаринин эшитиб мотам тутадур. Шопур унинг озодлиқ хабарини кетирадир. Бундан сўнг Ширин билан Фарҳод орасида Шопур воситаси билан хат ёзишлар бошланадир. Бу ошиқона хатларнинг бирини олиб борғонда Шопур Хусрав қоровуллари томонидан тутиладир. Хусрав хатнинг мазмунини онглагоч, Шопурни қаматадир. Фарҳодни ишқилиб йўқотиш фикрига тушадир. Низомий достонида бўлгони каби алдамчи бир чол хотин хизматчи ўз устига оладир. Фарҳод турғон жойга бориб йиғлаб-йиғлаб Ширининг ўлим хабарини сўзлайдир. Буни этишкан Фарҳод йиқиладир, Тошлар устида йиқилиб қолғони ҳолда унинг тилидан Навойи жуда ёниқ ва узун бир мўнўлуг берадир.

Дебон: бошимни янч эй чарх-ғаддор
Ки, ул эрмас бу кундин кори даркор.
Кўзим ўй, эй балит қаҳрамони
Ким, ул кўрмас бу кундин сўнгра они.
Тилим, эй тиғ-ғам, кейин бе таваҳҳум
Ки, эмди айламан ондин такаллум,
Дамим йўлини тут, эй чарх кин хоҳ.
Ки, борди эмди чекмак нола-у-оҳ
Оёғим синдир, эй андуҳ тоши
Ки, кетди пўядин энди хароши,
Ажал, кўксимни сартосар шигоф эт,
Борурда ранждин кўнглимни соф эт.
Фалак бағрини кил парканд, парканд
Ки, эмди борди ондин бизга пайванд,
Менга, эй ишқ, ҳамдардона бординг,
Қусуре қилмадинг, мардона бординг.
Бошимдин эмди, эй ҳижрон ғами, кеч,
Худо ёрингки, тақсир этмадинг ҳеч.

Байтлари билан бошланғон бу ёниқ мўнўлўг Фарҳоднинг тоғлар, тошлар, далалар, чўллар, қушлар, юлдузларга қаратилғон сўзларидан сўнг ўз юртини, уйини, ота-онасини эслашлар орасида битадир.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).